

ТОЖИБОЕВА Дилором,

Тошкент молия институти «Касбий таълим»
кафедраси профессори, иқтисод фанлари
номзоди

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

УДК 332.02

ТОЖИБОЕВА Д. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Мақолада қишлоқ хўжалигининг аграр тармоқдаги хўжалик субъектларининг пайдо бўлиши, яшовчанлиги ва самарадорлигига таъсир қилувчи ўзига хос хусусиятлари асослаб берилган¹.

Таянч иборалар: индивидуал-оилавий хўжалик, дехқон хўжалиги, фермер хўжалиги, мулк ҳуқуқининг тақсимланиши, трансакцион харажатлар, чекланганлик, меҳнатга мотивация.

ТАДЖИБАЕВА Д. НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФЕРМЕРСКОГО ХОЗЯЙСТВА

В статье обоснованы специфические черты сельского хозяйства, которые влияют на возникновения, выживаемость и эффективность хозяйствующих субъектов в аграрном секторе.

Ключевые слова: индивидуально-семейное хозяйство, дехканское хозяйство, фермерское хозяйство, спецификация прав собственности, трансакционные издержки, ограниченность, мотивация к труду.

TADJIBAEVA D. SCIENTIFIC-THEORETICAL BASES OF EFFICIENCY OF THE FARM

In the article is discussed the specificity of managing forms in agriculture sector which influence to formation, occurrence, efficiency, and survalence ability of firms in agrarian sector.

Keywords: farm household, farm dehkan, the farm firm, the specification of the property rights, transactional costs, limitation, motivation to work.

¹Ушбу мақола «Молия» журналининг 2017 йил 5-сонида чоп этилган мақоланинг давоми.

Жаҳон аграп тарихи кўрсатадики, қишлоқда индивидуал-оилавий хўжалик юритиш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш чуқур илдизларга эга.

Бредвуднинг ифодалашича, «фермерлик қишлоқлари» неолит давридан, яъни инсониятнинг ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчига айланиши давридан бошланган. Милоддан аввалги V-III минг йилликда «неолитик революция» даврида одамлар биринчи марта ерни ўзлаштириш, чорвачиликни вужудга келтириш билан ўзлаштирувчи хўжалик юритиш тизимидан ишлаб чиқариш фаолиятига ўтиш билан цивилизациянинг шаклланишига моддий асос яратганлар.¹

Хозирги кунда фан олдида қишлоқ хўжалигининг узоқ муддатли истиқболда қандай ривожланишини назарий жиҳатдан асослаб бериш муҳим масала бўлиб, бир томондан, эволюцион ёндашув анъаналарини,² иккинчи томондан иқтисодий таҳлилда соф иқтисодий жараёнларга социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни ҳам ўз ичига оладиган методологияни қўллаш талаб этилади.

Одамларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларининг институционал муҳит билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этишнинг назарий инструментарийси ҳамда иқтисодиётнинг институционал таркибининг ривожланиш қонуниятларига иқтисодий фаннинг кейинги 20-30 йил давомида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамида эса бу йўналишга ҳозирча етарли даражада эътибор қаратилгани йўқ. Аграп секторнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш қишлоқ хўжалигини узоқ муддатли даврда тараққий этишининг самарали йўлларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги қатор саволларга фақатгина неоинституционал назарияга таянибгина жавоб топиш мумкин:

- Қишлоқда жадал ўзгараётган социал-иқтисодий вазиятга жамоа хўжаликлари, анъанавий оилавий дехқон, фермер хўжаликлари мослаша оладими?
- Улардан қайси бири нисбатан самара-лироқ?

¹ Матюшин Г.Н. У истоков цивилизации. – М.: «Просвещение», 1992. -С. 186-188.

² Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство. Избранные труды. / Ред. кол. сер. Л.И.Абалкин (пред) и др. – М.: «Экономика», 1989; Чаянов А.В. Основные идеи и формы организации крестьянской кооперации (переизд. труды). – М.: «Наука», 1991.

● Аграп секторнинг социал-иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун институционал муҳитда нимани ва қандай қилиб ўзгартириш керак?

● Инсоният ўзининг тарихий тараққиётида нима сабабдан айнан нисбатан самарали ва рационал хўжалик юритиш шакли сифатида ҳозирга қадар етакчи роль ўйнаётган оилавий хўжалик юритишни танлаб келмоқда?

Хўжалик юритиш шаклларининг қайси бири афзалроқлигини аниқлашда икки мезонга асосланиш зарур: 1) мулк ҳуқуқи нуқтаи назаридан; 2) трансакцион ҳаражатлар нуқтаи назаридан.

Биринчи мезон – мулк ҳуқуқи, унинг таснифи ҳамда тақсимланиши. У **иқтисодий муҳит барқарорлигини таъминлаш асосида индивидларни иқтисодиётнинг бошқа агентларига нисбатан нимага интилиши, нимани мўлжалга олиши ва нимани кутиши кераклигини белгилайди. У бир бутун ҳолда бозор механизми самарали фаолият кўрсатишининг энг зарур шартидир.**

Бу ерда келиб чиқадиган мантиқ шундай:

● мулк ҳуқуқи хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолиятлари натижасидан қандай баҳраманд бўлишлари, яъни кутилаётган ҳаражатлар ва ундан оладиган натижаларини таққослаш учун замин яратади;

● мулк ҳуқуқининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши иқтисодий стимуллар тизимининг ўзгаришига олиб келади;

● бу ўзгаришлар эса субъектларнинг иқтисодий саъй-ҳаракати, танловидаги ўзгаришларга олиб келади.

Жаҳон дехқончилик тараққиёти шуни кўрсатадики, ёлланма меҳнат қишлоқ хўжалигига, хусусан, дехқончилиқда саноат тармоқларига қарангда кам самара беради. Аграп ишлаб чиқаришнинг барқарор муҳим хусусияти шундаки, у меҳнат натижасининг бегоналашувига принципиал жиҳатдан мос келмайди. Барча жамиятда ҳар қандай тизимда дехқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотининг бир қисми натурал, пул рентаси шаклида, солиқ тарзида тўланган. Дехқонда, ҳатто крепостной дехқонда ҳам хўжалик юритишда мустақиллик сақланган. Дехқон ўзини хўжайинлик (ер эгаси бўлмаган тақдирда ҳам) ҳиссини йўқот-

магандагина ердан самарали фойдаланиши мумкин. Бу эса айнан мулк ҳуқуқи, тұғрироғи «мулк ҳуқуқи дастаси»нинг қандай тақсимланишига боғлиқ¹.

Маълумки, инсон бирон бир фаолиятга киришар экан, бирон мақсад құяды, уни амалга ошириш эса унинг мотивациясига боғлиқ. Мотивациянинг кучли ёки кучсиз бўлиши тұғридан-тұғри мулк ҳуқуқи дастасининг кимларнинг ўртасида қандай тақсимланишига қараб шаклланади.

Иккинчи мезон – трансакцион ҳаражатлар. Неоинституционал назария асосчиларидан Р. Коуз фикрига кўра, фирмаларнинг ташкилий шакли ва ҳажмига трансакцион ҳаражатларни тежаш нуқтаи назаридан ёндашиш керак². Бунда уларни уч даражада қараш керак: хўжалик ичида, бозор миқёсида ва сиёсий қарорлар қабул қилиш нуқтаи назаридан.

Ички хўжалик трансакцион ҳаражатлари ишчилар, мутахассислар, бўлим раҳбарларининг иш сифати ва натижаси мониторинг, хўжаликни бошқариш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигига бундай мониторинг ўтказиш қатор обьектив сабабларга кўра анча қийин. Худудий миқёс, ишлаб чиқаришнинг вақт жиҳатидан чўзилгани ҳар бир технологик занжирда бажарилган ишнинг миқдори ва сифатини назорат қилишни қийинлаштиради, реал амалга ошириб бўлмайди.

Аграр сектор ерга меҳнат ва капитал сарфлашнинг (қўйишнинг) ўзига хос алоҳида хусусиятга эга сфераси бўлиб, иқтисодий жараённинг табиий-биологик жараён билан чирмавиши қўшилиб кетишида намоён бўлади. Аграр ишлаб чиқаришнинг биринчи ва асосий хусусияти шундаки, қишлоқ хўжалигига меҳнат, саноатдан фарқ қилиб энергияни сарф қилиш эмас, балки уни тўплашга қаратилган.

Аграр ишлаб чиқаришнинг иккинчи хусусияти шундаки, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариштирик организм билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат, бутун диққат-эътибортирик организмни парваришлаш, экилган экиннинг нормал ўсиши, яхши ҳосил бериши учун шароит яратишга қаратилган. Чорвачилик ҳақида ҳам шундай

¹ Бу тушунчани биринчи бўлиб инглиз юристи А. Оноре 1961 йилда таклиф этган. Мулк ҳуқуқининг тўлиқ дастаси (Оноре рўйхати бўйича) 11 элементдан ташкил топган: эгалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш, бошқариш, даромад олиш, мерос қолдириш ва бошқалар.

² Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: «Новое издательство», 1993; Коуз Р. Природа фирмы. – М.: «Дело», 2001.

дейиш мумкин. Бу жараён эса маълум вақт ва агротехник қоидаларга риоя қилган ҳолда бажариладиган меҳнат цикларидан иборат.

Ҳар бир оралиқ циклда меҳнатни баҳолаш, назорат қилишнинг аниқ мезонлари йўқ.

Аграр секторда саноатга нисбатан охирги натижада ҳар бир ишловчининг улушкини аниқлаш жуда қийин ёки умуман аниқлаб бўлмайди. Юқори ҳосил олиш ёки аксинча ҳосилнинг пасайиб кетиши кимнинг айби билан юз берган, ер ҳайдовчиними, экинни экканними, сувчиними, оби ҳавоними ёки бошқаними? Бу меҳнат сарфлари билан охирги натижага эришиш, яъни маҳсулот олиш ўртасидаги вақтнинг ажралиш оралиғи катта эканлиги ҳамда инсоннинг хоҳишистаги эмас, табиий шарт-шароитларининг асосий роль ўйнаши билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳар бир меҳнаткашнинг қўшган ҳиссасини аниқлаб бўлмайди. Демак, меҳнатни стимуллаштиришнинг самарали тизимини ҳам яратиб бўлмайди. Мониторинг орқали ўсимлик ёки чорванинг ўсишини таъминлашнинг ҳар босқичида қайси омил кўпроқ ёки камроқ таъсир кўрсатганини аниқлаб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан шахсий ёрдамчи хўжалик, дехқон хўжалиги фермер хўжаликларидан афзалликка эга. Дехқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Дехқон хўжалигидаги бошқа шахслар муайян ишни бажаришгагина меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Фермер хўжаликларида ҳам асосан фермер ва унинг оила аъзолари ишлайдилар. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган хўжалик аъзолари ёрдамчи, иккинчи даражали роль ўйнайди ҳамда ишлаб чиқаришнинг маҳсус оиласиий характеристега эгалигига путур етказмайди. Шунинг учун бу хўжаликларда ҳам меҳнат мотивацияси хўжалик юритишининг бошқа шаклларига қараганда ниҳоятда кучли ва оиласининг ҳар бир аъзоси унга юклатилган ишни сифатли, сидқидилдан вақтида бажаришга ҳаракат қиласи ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслардан ҳам буни талаб қиласи. Бундай хўжаликларда трансакцион ҳаражатлар унча кўп эмас:

- **Биринчидан**, меҳнат жараёни билан уни бошқариш биргаликда олиб борилади ва у оила бошлиғи ҳамда зарур бўлса унинг ҳамма аъзолари томонидан амалга оширилади;

- **Иккинчидан**, бу хўжаликларда бошқариш иерархik схемада олиб борилади. Жаҳон тажри-

баси ва тадқиқотлар трансакцион харажатлар кичик корхоналарда жуда ҳам оз бўлишини кўрсатди. Сабаби, бундай хўжаликларда меҳнат мотивацияси ва меҳнатга муносабатнинг ўзига хослигида. Унга ажоддан авлодга ўтиб келадиган, оиланинг ҳар бир аъзосининг онги, дилига сингиб кетган оила аъзоларининг фаолиятида намоён бўладиган ўзаро ишонч ва меҳнат этикаси хўжаликни биргаликда юритишад уларнинг саъй-ҳаракати, танловини олдиндан айтиш мумкинлигининг имконини беради.

Бозорда трансакцион харажатлар бозор муносабатларига киришиша, мулк ҳуқуқини айрбошлашда турли тўсиқларни енгиш заруратидан келиб чиқади.

Сиёсий-иқтисодий (макро) даражада трансакцион харажатларнинг мавжуд бўлиши қишлоқ аҳолисининг мақсадига эришиш, манфаатларини реализация қилиш учун давлат институтларидан фойдаланиш заруриятидан келиб чиқади.

Жамият жумладан, иқтисодий тараққиётда, шунингдек, фирмаларнинг шаклланиши, фаолият юритишида ҳам чекланганлик муҳим роль ўйнайди. Айнан чекланганлик, тўсиқлар хўжалик юритувчи субъектлар, индивидларнинг танлови, саъй-ҳаракати, қарор қабул қилишига катта таъсир кўрсатади. Классик ёндашувда (А.Смит) талабнинг чекланганлиги, нео-классик ёндашувда икки турдаги чекланганлик: а) моддий (жисмоний, физик) чекланганлик, яъни ресурсларнинг камёблиги; б) технологик, яъни билим даражаси ва малака (ресурсларни пировард маҳсулотга айлантиришдаги моҳирлик даражаси) жиҳатдан чекланганлигига эътибор беради. НеоВИТУЦИОНАЛ назария жамиятнинг **институционал таркиби туфайли чекланганликка диққат қаратади**. Улар туфайли кишилилк жамияти фирмаларни танлаганини асослаб беради.

Қишлоқ хўжалигига, фикримизча, юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари яна бир чекланганлик мавжуд. Бу – унинг **табиий шартшароитлар ва биологик қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли вужудга келадиган, яъни табиат томонидан қўйилган чеклов, деб айта оламиз**. Айнан ана шу чеклов юқорида баён қилинган барча чекловларнинг қишлоқ хўжалигига ўзига хос тарзда намоён бўлишига олиб келади. Булар:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва таклифнинг ноэластиклиги;
- вақт ниҳоятда муҳим роль ўйнаши;

- ер ва унинг унумдорлигининг чекланганлиги ҳамда унинг ўзига хослиги;
- Самуэльсон парадоксининг¹ амал қилиши;
- фаолият юритиш технологиясининг бошқа соҳалардан кескин фарқ қилиши;
- институционал чекланганликнинг ҳам ўзига хос томонларида намоён бўлади.

Ёлланма ишчи билан дехқоннинг меҳнати шуниси билан катта фарқ қиласди, ёлланма ишчи маълум бир ишни бажаради ва бунинг учун ҳақ олади, охирги натижা уни қизиқтирмайди, дехқон эса охирги натижা учун меҳнат қиласди. Шунинг учун у ўйлаб, сидқидилдан ҳаракат қиласди. Чунки унинг ва оиласининг турмуш фаровонлиги нафақат бугун, балки келажакда ҳам охир-оқибат якуний натижага боғлиқ.

Буларнинг барчасини ҳисобга оладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигига нима сабабдан айнан индивидуал-оилавий хўжалик ҳозирга қадар етакчи роль ўйнашининг моҳиятини англаимиз.

Шу туфайли аграр секторда индивидуал-оилавий хўжаликнинг шакллари сифатида шахсий-томорқа хўжалиги, дехқон хўжалиги, фермер хўжаликлари фаолият олиб борадилар. Қишлоқ хўжалигига жамоа хўжаликлари, ширкатлар ва бошқаларга нисбатан индивидуал оилавий хўжаликларнинг яшовчанлигини ҳам ана шу омиллар ёрдамида тушунтириш мумкин.

Республикамизда 1991 йилдан 2003 йилларга қадар иқтисодиётимиз, қишлоқ хўжалигининг замонавий талабларга мос ҳолда ривожланишини таъминловчи ҳамда аҳолимиз менталитетига мос самарали хўжалик юритиш шаклларини жорий қилиш учун тинмай изланиш олиб борилди, десак хато қилмаймиз.

Давлат бош ислоҳотчи сифатида энг ноёб, таклифи қатъий ноэластик бўлган ресурс – ерга эгалигини сақлаган ҳолда ундан самарали фойдаланиш учун шундай хўжалик юритиш шаклларини танлаши лозим эдики, бу хўжаликлар ҳақиқий мулк эгаси сифатида ерни асрашлари, авайлаб оптималь даражада фойдаланишлари лозим эди. Бунинг учун улар юқорида айтиб ўтганимиздек, хўжалик юритувчи мулк ҳуқуқининг тўлиқ ёки ҳеч бўлмагандан асосий қисмига эга

¹ Самуэльсон парадокси – қишлоқ хўжалигига талаб ноэластиклиги туфайли ҳаддан ташқари ҳосилнинг мўл бўлиши, даромадларнинг ортишига эмас, аксинча, нархларнинг тушиб кетиши натижасида даромадларнинг кескин пасайиб кетишига, ҳатто зарар кўришга олиб келиши (шу масалани тадқиқ этган таникли АҚШ иқтисодчиси номи билан аталади).

бўлиши керак эди. Қишлоқда бундай хўжалик юритиш шакли асрлардан бери синалган, жаҳон тажрибаси кўрсатган индивидуал-оилавий хўжалик ва унинг асосий шакллари дечқон ва фермер хўжаликлари эканлигини ҳисобга олиб, диққат улар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилди.

Индивидуал-оилавий хўжалик юритишнинг дечқон хўжаликлари шаклида томорқа ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган бўлиб, мулк ҳуқуқи дастасининг барчаси «Дечқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ уларга тегишли. Асосан оила аъзоларининг ўзлари ишлагани учун ички трансакцион харажатлар пастлиги, меҳнат мотивацияси, меҳнатунумдорлигининг юқорилиги, бу хўжаликларни ердан фойдаланишининг энг самарали хўжалик юритиш шакли сифатида эътироф этамиз¹.

Ҳозирги пайтда республикамизда шахсий ёрдамчи ҳамда дечқон хўжаликлари ҳайдаладиган ер майдонининг 13 % атрофидаги улушини эгаллагани ҳолда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 60-65 фоизини ишлаб чиқармоқда². Айниқса, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда бўйича уларнинг олдига тушадиганлар йўқ.

Лекин хўжалик юритишнинг бундай шаклининг энг муҳим камчилиги шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг айрим турларини ишлаб чиқариш тамомила бошқача миқёсдаги ресурслар, технология, кўлам, миқдор ва бошқаларни талаб қиласди. Бу жиҳатдан дечқон хўжаликлари ўз имкониятларининг чекланганлиги туфайли бундай маҳсулотларга бўлган талабни қондира олмайдилар. Буларга дон маҳсулотлари, пахта, қанд лавлаги ва шу кабиларни киритиш мумкин.

Бундай катта ҳажмдаги маҳсулотларни майда хўжаликларда етиштириш трансакцион харажатлар, айниқса, бозор миқёсидаги харажатларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келади. Ундан ташқари, инновацион технологияларни қўллаш, фан-техниканинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш, аграр сектор учун зарур бўлган илмий тадқиқотларни олиб бориш ва бошқаларни жорий этиш имконияти камаяди. Бу жамият миқёсида самарадорликнинг пасайишига олиб келади.

¹ Тожибоева Д. Дечқон хўжаликларининг институционал табиати ва самарадорлигининг илмий назарий асослари. // «Молия», 2014, 4-сон. -54-59-б.

² Альманах Узбекистан 2013. Ташкент, 2013, 102-114-бетлар; Узбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2016.

Аграр секторда фаолият олиб боувчи яна бир хўжалик юритиш шакли қишлоқ хўжалиги кооперативи «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунга кўра, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усули ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, «мулк ҳуқуқи» дастасининг тақсимланиши кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (бажарган иши) ҳажми, сифатига қараб ҳақ тўлаш, якуний даромадни (фойдани) кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкий пайларига мувофиқ тақсимлаш амалга оширилади. Улар қонунга кўра ўз фаолиятларини юридик шахс сифатида қабул қилинган устав асосида олиб борадилар. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар 2,5% экин майдонларида фаолият юритгани ҳолда уларнинг улуши соҳа ялпи маҳсулотининг 2,0% атрофидаги миқдорни ташкил этади³.

Мулк ҳуқуқи дастасининг кооператив аъзолари ўртасида бундай тақсимланиши ва фаолиятни ташкил этиш самарадорликни дечқон ва фермер хўжаликларига нисбатан паст бўлиши ва трансакцион харажатларнинг юқори бўлишига олиб келади. Бунинг сабаби, уларда меҳнат мотивацияси тамомила бошқача бўлиши ишловчиларнинг ўзларини тутишлари, саъй-ҳаракатлари ва интилишларида ҳам ифодаланади.

Агар жамоавий корхонанинг молиявий аҳволи ёмонлашса, табиийки, унинг аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш ва мувофиқ равиша ишловчиларнинг меҳнатга мотивацияси ҳам янада пасаяди.

Бу жиҳатдан ҳар икки хўжалик шаклидан фермер хўжаликлари ажралиб туради. Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи ўз аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. 1998 йили қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунга кўра, мулк ҳуқуқи дастасининг 2-3 элементидан бошқа ҳаммаси фермер ва унинг аъзоларига тегишли. Энг муҳими, олинган даромаднинг тўлиқ равиша уларга тегишли экани хўжаликни сама-

³ Там же.

1-жадвал. Турли хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти турлари бўйича ҳосилдорлик даражаси (ц/га)

	Дон, дук-какли дон	Пахта	Картошка	Сабзавот	Полиз	Мева	Узум
2010 йил							
Барча турдаги хўжаликлар	45,3	25,6	198,4	263,7	191,0	87,2	85,2
Шу жумладан:							
Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	28,1		135,0	172,5	171,7	40,6	78,3
Фермер хўжаликлари	43,5	25,6	166,3	256,7	174,3	73,4	72,3
Деҳқон хўжаликлари	54,8		206,1	268,7	210,6	109,9	110,0
2015 йил							
Барча турдаги хўжаликлар	45,2	25,9	219,1	271,0	203,6	128,1	133,1
Шу жумладан:							
Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	27,6	14,0	189,0	196,2	155,2	66,0	100,0
Фермер хўжаликлари	44,2	26,0	201,0	261,7	192,0	102,7	101,8
Деҳқон хўжаликлари	56,0		223,9	277,3	217,2	162,0	163,0
Фермер хўжаликларида ҳосилдорлик даражаси, % да, 2015 йил							
Қишлоқ хўжалик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга нисбатан	160,1	185,7	106,3	133,3	123,7	155,6	101,8
Деҳқон хўжаликларига нисбатан	79,0		89,8	94,4	88,4	63,2	62,4

рали юритишга ундайди. Буни ҳар бир хўжалик юритувчини ўзини-ўзи сақлаш инстинктидан келиб чиқиб ғалаба қилишга чорловчи рақобат қонуни ҳам мажбур қиласди.

Фермер хўжаликларида ер, сув, моддий-техник, молиявий ресурслардан рационал фойдаланиш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ўсиб боришини, самарали хўжалик юритишни таъминлаш имконияти катта.

Улар аграр секторда нафақат фойдани максималлаштириш, балки ресурсларнинг тақсимланишини амалга оширувчи ва уни тартибга солувчи субъект сифатида келажакда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқда ижтимоий ва маънавий муҳитнинг яхшиланиши, маданиятни янада кўтаришда муҳим роль ўйнайди. Ўз фаолияти натижасидан мамнунлик, қониқиши ҳосил қилишга алоҳида диққат қаратилади.

Фермер хўжаликлари самарадорлик жиҳатдан деҳқон хўжаликларидан кейинги ўрин эгаллашларини 1-жадвал маълумотларида ҳам кўришимиз мумкин.

Фермер хўжаликлари 2010 йилдан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 32,6–35%ини ишлаб чиқаришмоқда. Жадвал рақамларидан кўринишича, экинларнинг ҳосилдорлиги жиҳатидан деҳқон хўжаликларидан кейинда туришса-да,

бошқа хўжалик шаклларидан олдинда. Ҳозирда бу хўжаликлар стратегик аҳамиятга эга маҳсулотлар: пахтанинг 99,5%, доннинг 80,6%ини етиширишмоқда. Умуман олганда 2015 йил аграр соҳада яратилган деҳқончилик маҳсулотларининг 52% ва чорвачилик маҳсулотларининг 4,3%ини ишлаб чиқаришган. Ана шу жиҳатларига кўра, фермер хўжаликларига илмий-назарий жиҳатдан аграр секторда етакчи хўжалик юритиш шакли, дея баҳо бера оламиз.

«Мулк ҳуқуқи дастаси», уни давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланиши нақадар муҳимлигини назарда тутиб, республикаизда мулкни, айниқса, хусусий мулкни ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда. Зарур **меъёрий-ҳуқуқий тизим** яратилди ва у борган сари такомиллаштириб борилмоқда. 2012 йил 24 сентябрда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, 2012 йил 22 октябрда «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4478-сонли, 2015 йил 15 майда «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончили ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф

2-жадвал. Фермер хўжаликларининг ихтисослашуви бўйича сони ва улар тасарруфидаги ўртача ер майдони¹

Йиллар	Жами фермер хўжаликлири сони	Уларга биринчирилган ўртака ер майдони, минг га	Ўртача ер майдони, га	Шу жумладан ихтисосланиши бўйича									
				Пахта ва ғаллачилик		Сабзавот ва полизчилик		Боғдорчилик ва узумчилик		Чорвачилик			
				Сони	Ўртача ер майдони, га	Сони	Ўртача ер майдони, га	Сони	Ўртача ер майдони, га	Сони	Ўртача ер майдони, га		
2009	107381	5101,3	48	550511	70,3	5514	14,8	34221	6,3	7044	142,8	10091	8,5
2010	80628	5028,5	62	41827	84,5	4036	19,1	22159	9,5	6009	162,2	6597	12,5
2012	74107	5879,0	79	39715	101	5394	26	16914	15	7357	1171,0	4727	44
2016	164500	5993,8	38,4	53,9	77,0	6500	14,8	74100	3,7	7000	190,6	18900	5,4

этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-фармонлари қабул қилинди. 2016 йил 5 октябрда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли фармони эълон қилинди. Сўзсиз улар республикамиз иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ўйлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштироқини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан чет эл капитали улушини ошириш борасидаги мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда ва қўйилган муҳим вазифаларни амалга оширишни таъминлашда хизмат қиласи.

Фикримизча, мулк ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш, тақсимланиши ва у билан боғлиқ бошқа масалаларнинг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг ечимини топиш, такомиллаштириш учун тайёрланаётган мутахассис кадрларимиз бу масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишлари зарур. Афсуски, кейинги йилларда «Иқтисодиёт назарияси» фанида, ўқув адабиётларида борган сари бу масалага кам эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда босмадан чиққан ўқув адабиётларида мулкчилик муносабатларига ниҳоятда оз, юзаки ёндашилган ёки умуман тўхтаб

¹ Альманах Узбекистан 2013. Ташкент, 2013. -102-114-б.; Ўзбекистон иқтисодиёти. ахборот-таҳлилий бюллетени, 2016 йил январь-декабрь. Тошкент, 2017. -62-63-б.

ўтилмаган. Ваҳоланки, жаҳон миқёсида, айниқса ривожланган мамлакатларда бу масалага эътибор жуда кучли.

Аграр секторда «қайси хўжалик шакли самаралироқ?» деган саволдан сўнг иқтисодчиларимиз томонидан «унинг ҳажми қандай бўлиши керак, яъни ер майдони оптималь миқдори қанча бўлиши керак?» деган савол қўйилади. Бунда албатта, барча тадқиқотчилар фермер хўжаликларининг ихтисослашувини биринчи ўринга қўйишиди. Ердан фойдаланишнинг оптималь миқдорини аниқлаш моделлари таклиф этилади².

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини 2003 йилдан интенсив равишда ташкил этиб, уларнинг сони 2008 йилга келиб, республикамида 219976 тага этиб, ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони 23,2 гани ташкил қиласи.

Мамлакатимизда таклифи қатъий ноэластик, энг қимматбаҳо ресурс ердан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан 2008 йил 6 октябрда Ўзбекистон Президентининг «Фермер хўжаликлари юритувидаги ер участкалари миқдорларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссияни ташкил этиш

² Чаянов А.В. Оптимальные размеры сельскохозяйственных предприятий – М.:«Новая деревня», 1928. -С. 13-21; Каримова Х. Модели определения оптимального размера землепользования. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», 2010, 2-сон. -29-б; Дехқонов М. Фермер хўжаликлиди таннархни пасайтириш омиллари. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», 2010, 5-сон. -30-б; Тожибоева Д.. Кўп укладлилик шароитида аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012. -174-184-б.

тұғрисида» 3077-сонли фармойиши эълон қилинди. Унга күра барча ер майдонлари тұлық инвентаризация қилиниши, фермер хұжаликтерининг фаолиятini танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш чора-тадбирлари амалға оширилди.

2-жадвал маълумотлари күрсатыб турибиди, 2009 ва 2012 йиллар барча ихтисосланиш йўналишлари бўйича фермер хўжаликлари сони қисқариб, улар тасарруфидаги ер майдонлари кўпайтирилди. Кейинги йилларда эса фермер хўжаликлари сони ўсади. Айниқса, боғдорчилик ва узумчилиқда кескин равишда кўпайтирилди. Бу ўз навбатида ўртача ер майдонлари миқдорининг қисқариб боришига олиб келди.

Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдонларини соҳалар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, пахтачилик ва ғаллачилиқда 67,7 гектардан 106,3 гектаргача, сабзавотчилик ва полизчилиқда 14,8 гектардан 23,5 гектаргача, боғдорчилик ва узумчилиқда 13,1 гектарга, чорвачилиқда 149,3 гектардан 205 гектаргача етади. Бу кўрсаткич Японияда 2 гектарни, Финляндияда 13 гектарни, Покистонда 13,5 гектарни, Буюк Британияда 65 гектарни, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда эса 0,6-1 гектарни ташкил этади. Ҳозирги кунда аграр сектор барқарор ривожланаётган Хитойда ҳам хўжаликлар тасарруфидаги майдон 0,5-1 га атрофида¹. Маълумотлардан кўриниб турибиди, ҳар бир давлатда фермер хўжаликларининг ер майдонлари уларнинг қишлоқ хўжалигига банд бўлган аҳолиси сони, экин тури тупроқ-иклим шароити, ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб оптималлаштирилган.

Бунда 2011 йил 18 апрелдаги «Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПФ-4301-сон фармон, фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш жараёнида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, фермер хўжаликларини тугатишида қонунчилик мөъёларига риоя этиш кафолатларининг ишончли тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги «Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори ва Низом қабул қилинди.

¹ Доклад о мировом развитии 2008. Сельское хозяйство на службе развития. – М.: «Весь мир». -С. 109.

2015 йил 15 декабря эса фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари бериш ва уларни олиб қўйиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги 362-сон қарори қабул қилинди. Фермер хўжаликларига ер майдонлари ажратишида қонун ҳужжатларида ихтисослашувига кўра ижарага бериладиган ер майдонининг энг кам ўлчами ҳамда ер майдони контурларининг яхлитлиги бузилишига йўл қўйилгаслиги белгилаб қўйилган.

Шунинг учун фермер хўжалигининг оптимал ҳажмини белгилашда ҳамма чекловлар: табиий, (классик, неоклассик (маржинал), неоинституционал назариялар) ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар ҳамда қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган олимларимиз томонидан таклиф этилган алмашлаб экиш схемасидан келиб чиқиб, индивидуал тарзда ҳар бир фермер хўжалиги учун унинг ўзи аниқлагани ва хўжалик стратегиясининг имкониятини ҳисобга олиб ишлаб чиқсанни маъқул. Умумий тарзда кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ер унумдорлиги, сув таъминоти, моддий, технологик ресурслар, билим, малака даражаси ва шу кабилар фарқланади ҳамда унинг кўлами ҳар бир ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи учун индивидуал бўлиб ҳисобланади. Ундан ташқари, иш билан банд аҳолининг 27,6 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалигига бандлиги, аҳолининг таҳминан ярми қишлоқларда яшашини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шунинг учун бириктириладиган ер майдонининг қонунда кўрсатилганидек минимал даражаси белгилангани маъқул.

Келажакда қишлоқ хўжалигига меҳнатга бўлган кучли мотивацияни, ер, сув, моддий, молиявий ресурслар самарадорлигини таъминловчи янги ташкилий тузилма ва бошқариш усувларини топиш муҳим аҳамиятга эга. Буни республика мизда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш мисолида кўрсатиш мумкин. Келгусида, оиласи корпорациялар, агро-саноат-молия бирлашмалари, турли кооперациялар ва бошқаларнинг вужудга келишини қўллаб-қувватлаш дол зарблиги ортаверади. Умуман олганда, йириклиштиришнинг чегарасини қишлоқ хўжалигининг ўзи қўяди, чунки биологик жараённинг концентрацияси жуда чекланган. Иккинчидан, самарадорликнинг ўзи турли-туманликни, хўжалик юритиш

шаклларини: йирик агрохолдинглардан тортиб, то энг кичик ишлаб чиқарувчилар – дәхқон хўжаликларигача бир-бирини тўлдиришини зарур қилиб қўяди.

Тайёрлаётган мутахассисларимизнинг бу борада зарур билим олишлари, кўникма, малакага эга бўлишлари учун «Иқтисодиёт назарияси» фанида мулкчилик муносабатлари, мулк ҳуқуки дастаси ва унинг тақсимланиши масалаларини

чуқур ўрганиш ёки «неоинституционал иқтисодиёт» фанини ўқув дастурларига киритишни кенгайтириш, талабалар ва магистрантларнинг бу масала билан боғлиқ илмий изланишларини ташкил этиш ва кучайтириш бўйича олий ўқув юртларида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни ўқув-меъёрий ҳужжатларда акс эттириш лозим, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Матюшин Г.Н. У истоков цивилизации. – М.: «Просвещение», 1992. -С. 186-188.
2. Чаянов А.В. Крестьянское хозяйство. Избранные труды. / Ред. кол. сер. Л.И.Абалкин (пред) и др. – М.: «Экономика», 1989; Чаянов А.В. Основные идеи и формы организации крестьянской кооперации (переизд. труды). – М.: «Наука»,1991.
3. Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: «Новое издательство», 1993; Коуз Р. Природа фирмы. – М.: «Дело», 2001.
4. Тожибоева Д. Дәхқон хўжаликларининг институционал табиати ва самарадорлигининг илмий назарий асослари. // «Молия», 2014, 4-сон. -54-59-6.
5. Каримова Х. Модели определения оптимального размера землепользования. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», 2010, 2-сон. -29-6.
6. Дәхқонов М. Фермер хўжаликлида таннархни пасайтириш омиллари. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», 2010, 5-сон. -30-6.
7. Тожибоева Д.. Кўп укладлилик шароитида аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012. -174-184-6.
8. Альманах Узбекистан 2013. Ташкент, 2013. -С. 102-114.
9. Ўзбекистон иқтисодиёти ахборот-таҳлилий бюллетени. 2016 йил январь-декабрь. Тошкент, 2017. -62-63-6.